



## **ШАҲАРСОЗЛИКДА ОЧИҚ ФАЗОВИЙ МУҲИТ.**

*Исматуллаев Нейматилла Кудратиллаевич.*

*Тошкентдаги Кимё техника университети катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада шаҳар кенг майдонлари ва очик фазовий муҳит ва унинг кўринишлари, шаҳар очик фазовий муҳити, кўча интерьерлари ҳақида керакли тушунчалар берилди. Очик фазовий муҳитнинг ўраб турувчи ва уни тўлдирувчи элементлари ҳақида сўз борди. Очик фазоларнинг архитектуравий дизайнерлик шаклланиши хусусиятлари ҳақида ҳам тегишли маълумотлар баён қилинди.

**Аннотация:** Данная статья дает необходимые представления о городских просторах и открытой пространственной среде и ее видах, городской открытой пространственной среде, уличном интерьере. Он относится к окружающим и заполняющим элементам среды открытого пространства. Также представлена актуальная информация об особенностях архитектурного оформления открытых пространств.

**Abstract:** This article provides the necessary understanding of urban open spaces and open spatial environment and its views, urban open spatial environment, street interior. It refers to the surrounding and filling elements of the open space environment. Relevant information about architectural design features of open spaces is also provided.

**Калит сўзлар:** очик фазовий муҳит, урбанистик кенглик, доминант, акцент, композицион ўқ, кўча интерьерлари, ўраб турувчи муҳит, тўлдирувчи объектлар

**Ключевые слова:** открытая пространственная среда, городское пространство, доминанта, акцент, композиционная ось, интерьер улиц, окружающая среда, дополняющие объекты.

**Key words:** open spatial environment, urban space, dominant, accent, compositional axis, street interior, surrounding environment, complementary objects


Умуман архитектуравий муҳит, уч асосий турга бўлиниди. Булар, ёпиқ фазовий муҳит-- *интерьер*, иккинчиси- интерьерни ўраб турувчи қобикнинг ташқи кўриниши, яъни- *экстерьер* ва учинчиси очик фазовий муҳит бўлиб, уни *ландшафт* деб ҳам юритилади.

Очик фазовий муҳит, жойнинг географик ўрнига ва у ернинг табиий иқлим шароитига чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунга кўра, очик фазовий муҳит қиёфаси ва унга қўйиладиган талаблар, турли ерларда турличадир. Масалан, совуқ ўлкаларда бундай ҳудудлар атрофи ўралиб, шамолдан тўсилиши талаб қилинса, иссиқ ўлкаларда эса аксинча- очик бўлиши ва соя берувчи дарахтлар ёки сунъий соябонлар билан таъминланиши керак.

Кўпгина архитектуравий лойиҳаларда очик фазо муҳити намоён бўлади. Очик фазо муҳитига кўчалар, парклар, майдонлар, хиёбонлар, ансамбллар, ландшафт ва тураржой ҳудудлари кабилар киради. Бошқача айтганда очик осмон остидаги барча ландшафт ва архитектуравий фазовий кенгликлар тушунилади. Шунга кўра улар табиий-иқлимий таъсирлар остида бўлади (шамол, ёғингарчиликлар, намлик, температура, куёш таъсири...) [1].

Очик фазовий муҳитлар турига кўра: табиий ландшафт (адирлар, чўл, ўрмон, акватория, тоғ ҳудудлари...); шаҳар (кўчалар, майдонлар, микрорайон ховлилари...); махсус очик иншоотлар ( стадионлар, техник майдонлар...), кабиларга бўлинади. Баъзи бундай ҳудудлар учун табиий таъсирлар роли муҳим саналади (масалан рекреацион ҳудуд ҳисобланмиш пляжлар учун куёш керак), баъзи дам олиш ҳудудлари ва шаҳар кўчаларида аксинча соя салқин ва шамолдан тўсувчи шароитлар яратилади. Стадион каби иншоотларда эса куёш ва ёғингарчиликдан ҳимояловчи паналар ташкил қилинади.

Шаҳарларда очик фазовий объектлар муҳим ҳисобланиб, шаҳар аҳолисининг бинолардаги тор интерьерларида ўтказган фаолиятини, ўрнини тўлдириб уларга кенг фазо тақдим этади.



### ***Нью Йорк шаҳридаги марказий боғ***

Очик фазовий муҳитлар интерьерлардан кенг ўлчамлари, ландшафт компонентлари ва комплекс функцияси (турли хизмат кўрсатиш, оммавий объектлар мужассамлиги) билан фарқланади.

Шаҳар муҳитида очик архитектуравий фазолар учун ягона термин йўқдир. Шунинг учун улар турлича атамалар билан номланади: “шаҳар муҳити фрагменти”, “урбанистик кенглик”, “шаҳар ташқи фазоси”, “шаҳар ландшафти”, “шаҳар интерьери”, “шаҳар ансамбли”...

Сўнги пайтларда “шаҳар интерьери” ва “кўча интерьери” терминлари кўпроқ қўлланиляпти, яъни шаҳардаги кўчалар майдон ва ҳиёбонлар ҳудди бино интерьерига киёсланиб, унда шифт вазифасини осмон, девор вазифасини бинолар, пол вазифасини ландшафт ва кўчанинг қатнов қисми кўринишида фараз қилинапти.

Шаҳар интерьерида очик фазовий муҳитларнинг энг содда кўриниши, бу киши кўзига бир вақтнинг ўзида тасаввур этиши мумкин бўлган объектлар киради ( чорраҳалар, кўп қаватли бинолар ховлилари, магистраль кўчалар фрагментлари..).

Бутун шаҳар ёки туманнинг очик фазовий муҳитларини бир вақтнинг ўзида киши кўз олдига келтириб тасаввур қилиш қийин. Бунда тасаввур этиш мураккаб бўлиб, шаҳар образи ундаги алоҳида қисмларнинг синтезланиши натижасида тасаввур қилинади.

Шаҳарларда очик архитектуравий фазо муҳитлари бир-бири билан ўзаро туташган ҳолда ёки дискрет (алоҳида бир-биридан узилган) ҳолда бўлади.

Ўзаро туташган очик фазоларнинг чегараси кўпинча сезилмаслиги мумкин. Баъзида очик архитектуравий фазо муҳитлари жуда кенг бўлиб, унинг чегарасини киши ҳис қилмаслиги мумкин. Шундай ҳолатларда кишининг диққати ўша муҳитдаги энг яқин турган объектлар ва предмет оламига қаратилади. Чунки, бундай очик ҳудудларда кўпинча турли асосий функциядан ташқари бошқа турдаги объектлар ҳам ўрин олади. Бундай кенг майдонларни лойиҳалаганда архитектор –дизайнерлар кўп нарсани инобатга олиши талаб этилади (ёритиш ускуналари, ёмғир сувларини ҳайдаш...).

Шаҳарларда очик архитектуравий фазовий муҳитлар уч турга бўлинади: оддий (элементар)(III), туман миқёсидаги(II) ва шаҳар миқёсидаги(I).

Элементар типдаги фазовий муҳитлар майдони одатда 0.5-1 Га бўлади. Уларнинг шакли эса чорраҳа кўринишида, микрорайон ховлилари, маъмурий бинолар олдида ...кўринишда бўлади.

Туман миқёсидаги очик архитектуравий фазоларда элементар типдаги ҳудудларнинг 3-5 таси тўпланган ҳолда бўлиши ва шунга кўра кенгроқ ҳудудларни эгаллаши мумкин 3-4Га. Одатда бирор доминант бино ёки монумент атрофида шаклланади ва бир мавзули (монотем) бўлади.

Шаҳар миқёсидаги очик архитектуравий фазо муҳити одатда 5-7 элементар ячейкаларнинг бирлашган ҳолатида намоён бўлади ва 2-3 мустақил зоналардан ташкил топиши мумкин. Бундай жойларда шаҳар ансамбллари, уникал бинолар, монументлар ўрин эгаллаши мумкин. Уларнинг шакли ностандарт бўлиб габарит ўлчамлари юзлаб метрни ташкил қилиши мумкин. Бундай муҳитлар турли мавзули бўлади.

Барча объектлар уч турдаги кўринишдаги классда шаклланиши мумкин: *локал, чизиқли (кўчалар, сув артериялари) ва дискрет (парклар ансамбли, спорткомплекслари, саноат майдонлари).*

Шаҳар интерьери чегаралари хона интерьерига ўхшаб яққол эмас, балки киши кўзига мавҳум кўриниши мумкин. Чунки унда иккинчи пландаги объектлар ва узоқдаги

панорамалар ҳам кўриниши мумкин. Шунинг учун лойиҳалашда ундаги бор объектларни аниқлаб, текислик (планшет) чегараларини белгилаш керак.

Шаҳар очик фазо муҳити хона интеръери каби турли қисмлардан ташкил топади. Шаҳар интеръерида *планшет* (шаҳар фазовий интеръерининг горизонтал асоси) куйидагиларни ўз ичига олади:

Пиёдалар юрадиган худуд майдони;

Транспорт қатнови майдони;

Бошқа худудлар майдони (ландшафт, акватория..)



*Лондондаги Пиккадилли майдони.*

Ўраб турувчи муҳит (фазонинг вертикал чегаралари) куйидагиларга бўлинади: реал-бино, иншоотлар, зич кўкаламзорлар...; шартли ва рамзий—кўча перспективаси, панорамаси ва бошқа 2, 3 пландаги объектлар

Тўлдирувчи объектлар – кўча жиҳозлари, ободонлаштириш элементлари, монументал ва декоратив санъат асарлари, ахборот воситалари, ландшафт элементлари, пиёда ва автомобиллардан...иборат бўлади.

Шаҳар очик фазовий муҳитлари одатда икки қисмга бўлинади: асосий характерга эга (ўзак) ва ёрдамчи (туташган ҳолда) (масалан, магистраль кўча ва унга туташган пиёдалар йўлаги).

Фазони ўраб турувчи ва тўлдирувчи элементларни ҳам иккига ажратса бўлади. Яъни кишининг диққатини жалб қилувчи объектлар ва уларга нисбатан пассивроқ архитектуравий элементлар. Ҳар қандай интеръерни бадий структурасини таҳлил қилишда учта мустақил тизимларни ажратиш кўрсатиш мумкин:



Бошловчи, бош тизим -- фазони ўраб турувчи барча комплекслардан ташкил топиб, худуднинг габарити, конфигурацияси ва шартли ва реал ўраб турувчи объектлар билан майдоннинг чегарасини белгиловчи омиллардан иборат бўлади;

Фазовий тизим—бадий тузилишни муҳим қисми ҳисобланиб, шаҳар интерьерининг асосини белгилайди. Унда функционаллик ва эстетик жиҳатлар намоён бўлади.

Очиқ фазовий муҳитни ташкил қилишда икки хил ёндашув кўзга ташланади. Биринчиси, архитектуравий масса атрофда жойлашиб, ўртаси очиқ бўшлиқ ҳолда. Иккинчиси аксинча бўлиб, унда архитектуравий масса ўртада жойлашади. Кўпинча иккала ҳолат мужассамлиги кузатилади.

Массалар мувозанатини ўзгартириш орқали лойиҳада турли натижаларга эришса бўлади. Масалан “кузатув майдонини” кенгайтириш учун атрофдаги қурилмалар бўйининг баландлиги майдон энидан кам бўлиши ёки баланд қурилмалар орасини узоқ қилиш орқали ҳам ўша натижага эришиш мумкин. Фазовий тизим шаҳарнинг барча эстетик имкониятларини тўла очиб бермайди. Майдонларнинг ўлчамлари режа ва қирқимга нисбати бадий узвийлик яратишда муҳим роль ўйнайди. Яхши танланган баландлик ва кенглик биноларнинг очиқ фазога нисбатан уйғунлигини таъминлайди. Бундан ташқари шаклларнинг ўзаро бўйсунувчанлиги ва мутаносиблиги ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Композицион ўзаро бўйсунувчанлик ва мутаносиблик майдоннинг барча ҳажмий режавий компонентларининг бош ва иккинчи даражали ролини тақсимлаш ва ўша ролни муҳит характеристикаси билан ва ўзаро боғлашдир. Бунда *доминант, акцент, фон ва ўқлар* каби композицион образ элементлари юзага чиқади.

*Доминантлар*—бу бирор ансамлдаги юқори турувчи, ўлчами. Ранги ва бошқа жиҳатлари билан атрофдаги архитектуравий массадан ажраб турувчи объектдир. Композицияда доминантлар жозибадорроқ кўриниб, атрофдаги фазовий муҳитга бадий безак бериш зиммасини ўзига олади.

*Акцентлар* –композициянинг бир қисми ёки элементи бўлиб, объектнинг умумий қиёфасидан ўзининг алоҳида ўзгача ечими билан ажралиб туради. Композицион муҳитларда акцентлар яққаланиб қолмайди, балки ўзининг бошқача геометрик тизими ва мустақил тузилишига эга ҳолда гавдаланади.



*1-акцент; 2-доминант*

*Фон*—пассив характерга эга бўлиб, ўзида доминант ва акцент каби композицион элементларни ажратиб кўрсатиб ранги, ҳажми, шакли билан ўртачалик-умумий муҳит архитектурасини намоён этади.

*Композицион ўқлар*—шартли чизиқлар бўлиб, ҳажмларнинг фазо билан ўзаро таъсирини ва уйғунлигини белгилайди. Улар фазовий (магистраль кўчаларда) ва ҳажмий (доминант ва акцент иншоот ва элементларнинг оғирлик марказларини боғловчи бўлиб, ансамблдаги асосий эстетик “жозибадор” нуктага диққатни йўналтиради).



*Композицион ўққа мисол.*

Баъзида муҳитнинг доминант, акцент каби композицион элементлари бир неча бўлиб, уларни асосийсини ажратиб олиш қийин бўлади. Баъзида эса бирор муҳит учун доминант бўлиб кўринган объект ўша муҳит худудида жойлашмаслиги мумкин.

*Архитектуравий дизайнерлик мавзуларининг уйғунлиги*-- учинчи тизим бўлиб, шаҳар интерьерни қиёфасини белгилайди ва унинг композицион бадий ечимини амалга оширади. Архитектуравий дизайнерлик ечим мавзуси бўлиб, турли ордерлар тизими, аркадалар, гумбазлар, ритмга эга деворлар ... бўлиши мумкин.

Шаҳар интерьерини тўлдирувчи кичик архитектуравий шакллар ўзига хос мавзули бўлади. Улар функционал ва декоратив характерга эга бўлади. Очiq фазоларда эстетик мавзулар хилма-хил бўлади. Вертикал ўраб турувчи объектлар турли замонавий ва анъанавий кўринишда акс этиши мумкин. Баъзида майдонларнинг ўраб турувчи объектлари турли замонавий ва анъанавий кўринишда акс этади. Баъзида майдонларнинг ўраб турувчи элементлар мавзули бўлиб, дарахтлар, балюстрада, скульптуралар ритми, турли иншоотлар, дизайнерлик қурилмалари...бўлади.

Шаҳар бўйлаб андозавий (типовой) очiq худудлар учун турли мавзулар танланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шаҳар структурасининг йирик тугунлари ҳисобланмиш I ва

қисман II тоифадаги ҳудудларда бош тизим индивидуал ечимга эга бўлади. Лекин II ва III тоифадаги (маҳаллий, туман миқёсидаги) жойларда ўлчамлар ва конфигурациялар ўхшаш бўлади. Бундай ҳудудларда биринчи навбатда шаҳар бадий ечимини ташкил қилувчи учинчи тизим орқали эътибор кучайтирилади.

### **Очиқ фазоларнинг архитектуравий дизайнерлик шаклланиш хусусиятлари. [2]**

Архитектуравий муҳит объектларининг шакллантириш воситаларини бир қанча гуруҳга ажратиш мумкин.

Бино ва иншоотлар (архитектуравий ҳажм ва массани ташкил этувчи)

Текислик иншоотлари: (функционал майдончалар, йўллар, проездлар ва бошқа режавий элементлар) улар шаҳар фазовий ечимда конфигурация ва тархий габарит ҳосил қилади.

Очиқ фазо дизайни шаклланишида архитектуравий массалар деталлари муҳим ўрин эгаллаб, ўзининг ранги, шакли, конструкцияси, фактураси, материали, пластикаси декоратив ёки функционал жиҳатидан намоён бўлиб, фазовий композицион ечимни ташкил қилишда ёрдам беради.

Шаҳар очиқ архитектуравий фазо муҳитига монументал декоратив санъат намуналари, информацион қурилмалар ва ускуналар (реклама, витрина. эмблемалар), шаҳар жихозлари (эскалатор, ҳаракатланувчи тротуарлар...), кўча жихозлари (скамейка, фонарь, киоскалар), информацион қурилмалар (йўл кўрсатгич, стационар ахборот воситалари...), паннолар, рельеф ва орнаментал композициялар, ўраб турувчи элементлар (балюстрада, парапетлар, панжаралар...), йўл чизиклари, пиёдалар ўтиш жойлари... Булардан ташқари ободонлаштириш объектлари ва ландшафт элементлари (газонлар, гулзорлар, дарахт ва буталар, сув хавзалари, рельеф шакллари...) кабилар киради.

Иккинчи пландаги перспектива ва панорама кўринишидаги объектлар эса шаҳар интерьерини шартли ўраб турувчи воситалар ҳисобланади.

Тўлдирувчи гуруҳ таркибига –одамлар ва транспорт воситаларини ҳам кўшиш мумкин. Булардан ташқари шаҳар қиёфасини тунги ёритиш воситалари ва мавсумий ўзгаришларни мисол қилиш мумкин(қор, дарахтлар баргининг тўкилиши). Улар архитектурага таъсир қилмасда архитекторлар лойиҳалаш даврида шу жиҳатларни ҳисобга олиб тасаввур қилишлари керак.

Архитектуравий ва дизайнерлик мавзуларнинг уйғунлигида диққат ва асосий эътибор алоҳида элементларга эмас, балки доминант ва иккинчи даражали элементларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилади.

Сўнгги пайтларда шаҳар дизайни каби атамалар шаҳарсозликжа кўп учраяпти. Унда асосан шаҳар очиқ муҳитига тегишли объектлар дизайни лойиҳаланади. Унда кўпроқ ахборот воситалари (соат, йўл кўрсатмалариинформацион таблолар, телевизорлар, маиший ва савдо рекламалари(витрини афиша ва плакатлар ёзувлар...), байрам пайтларида безатиш воситалари (гуллар, гирляндалар, транспорант, лозунглар, ҳажмий қурилмалар). Бундан ташқари вақтинчалик тўсиқ ва панжаралар, ҳаракатланувчи тўсив кабилар) ҳам киради [2].

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исмагуллаев. Н.К. “Шаҳар инфратузилмаси объектлари”. Ўқув қўлланма—Т .: -2022
2. Минервин Г.Б.,Ермолаев А.П., Шимко И.Т., ва бошқ “Дизайн архитектурной среды”.— М .: Архитектура-С.-2006